"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Танлов комиссияси раиси,
Соғлиқни сақлаш вазири

__________ Б. Мусаев
"_8_" _02_.2022 йил

**Коронавирус касаллигига чалинган беморлар билан мулоқотда бўлган шахслар профилактикаси ҳамда касаллик енгил кечаётган шахсларни самарали даволаш мақсадида, Call center фаолиятини қайта йўлга қўйиш бўйича хизматлар**

---

**Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Тошкент - 2022 йил

## Мундарижа


1. Энг яхши таклифни танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатма.
2. Энг яхши таклифни танлашнинг нарх қисми.

## I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМА

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1** | **Умумий маълумот** | 1.1 | Энг яхши таклифни танлаш предмети: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Call Center фаолиятини қайта йўлга қўйиш бўйича хизмат кўрсатиш. |
| | | 1.2 | Энг яхши таклифни танлаш учун Республика махсус комиссиясининг 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва унинг тарқалишини олдини олиш чора-тадбирлари дастури”даги 92-сонли мажлис баёни асос бўлади. |
| | | 1.3 | Энг яхши таклифни танлашнинг юқори қиймати 360.000.000,00 сўм (ҚҚС билан). Белгиланган суммадан юқори тақдим этилган нархлар бўйича тижорат таклифлари кўриб чиқилмайди. |
| | | 1.4 | Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар, танлов ҳужжатининг техник қисмида келтирилган. |
| **2** | **Энг яхши таклифни танлаш ташкилотчилари** | 2.1 | Энг яхши таклифни танлаш учун буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.<br>“Буюртмачи” манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 4-уй.<br>Алоқа қилувчи шахс, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат харидлари бошқармаси бошлиғи - Мамадалиев Хурсандбек.<br>Тел. (+998 71) 239 49 29, +998 99 873 00 09<br>E-mail: info@ssv.uz |
| | | 2.2 | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат харидлари бошқармаси (кейинги ўринларда “Ишчи орган” деб юритилади), комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади. |
| | | 2.3 | Энг яхши таклифни танлаш Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан амалга оширилади. |
| **3** | **Энг яхши таклифни танлашда иштирокчилар** | 3.1 | Энг яхши таклифни танлашда мазкур хизматларни кўрсатиши учун тегишли лицензияга эга бўлган Call Center фаолиятига алоқадор компаниялар иштирок етиши мумкин. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | 3.2 | Қонун ҳужжатларига мувофиқ, компаниялар қуйидаги ҳолларда Энг яхши таклифни танлаш мусобақасида қатнашиши мумкин эмас:<br>- манфаатлар тўқнашуви;<br>- нархларни ёки иштирокчиларни Энг яхши таклифни танлаш натижаларини нотўғри кўрсатиш учун олдиндан тил бириктирган иштирокчилар;<br>- фирибгарлик, қалбакилаштириш ва коррупсия намоён бўлганда.<br>Агар ушбу ҳолатлар аниқланса, Энг яхши таклифни танлаш жараёнининг исталган босқичида тўхтатилиши (бекор қилиниши) мумкин.<br>Баҳолаш техник топшириқ ва қўйилган талаблар доирасида сифат устунлиги бўйича амалга оширилади. |
| **4** | **Энг яхши таклифни танлаш тили, ўлчов бирлиги.** | 4.1 | Энг яхши таклифни танлаш жараёнида иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак. Агар Энг яхши таклифни танлашда иштирокчи ҳужжатларга ўзбек ёки рус тилида аниқ таржима илова қилинган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш бошқа тилда бўлиши мумкин. Танлов таклифи матнида бир нечта тиллардан фойдаланилган тақдирда ўзбек ёки рус тиллари устунлик қилади. |
| **5** | **Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликга риоя қилиш** | | Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар: |
| | | 5.1 | ишчи орган аъзоси бўлган шахслар, Энг яхши таклифни танлаш учун топширилган ҳужжатларни ҳисобини юритади; |
| | | 5.2 | комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек Энг яхши таклифни ўрганиш мақсадида, тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилганлик, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган експертлар билан тил бириктиришга йўл қўйганликлари, шунингдек бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганликлари учун; |
| | | 5.3 | шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган Энг яхши таклиф танлови ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки тузилган шартномага мувофиқ жавобгар бўлади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **6** | **Шартнома тузиш** | 6.1 | Харид комиссиясининг қарорига кўра Энг яхши таклиф танловининг ғолиби деб еълон қилинган иштирокчи билан 10 (ўн) иш куни ичида шартнома тузиш шарт. |
| | | 6.2 | Буюртмачи Энг яхши таклифни танлаш ғолиби билан нархни пасайтириш учун музокаралар олиб бориш ҳуқуқига ега. |
| | | 6.3 | Ғолиб томонидан шартномани ўз вақтида имзоламаганлиги, шартномани тузишдан бош тортиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бунда Энг яхши таклифни танлашда кейинги (захирада – баҳолашда иккинчи ўрин) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади. |

**Илова № 1**

## Малакавий ҳужжатлар
## Рўйхати

1. Энг яхши таклифни танлашда иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (Ахборот ва маълумотлар йиғиш хизмати бўйича).

2. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмаслиги, мижоз билан суд ёки арбитраж ҳолатида эмаслиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида эмаслиги шунингдек, илгари тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги кўрсатилган кафолат хати (шакл №1).

3. Энг яхши таклифни танлашда иштирокчи ҳақида умумий маълумот (шакл №2)

4. Иштирокчининг 3 (уч) йил давомида молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумот. (Бухгалтерия ҳисоботининг 1 ва 2 шакллари)

5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки қарздорликнинг йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат (ваколатли орган томонидан олинади).

*Шакл № 1*

*ИШТИРОКЧИНИНГ МАРКАЛИ БЛАНКИДА*

*№:*___________
*Сана:* _______

**Харид комиссиясига**

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу кафолат хати билан бизнинг корхонамиз ___________________________
қуйида келтирилган жараёнларда эмаслигини тасдиқлаймиз: *(Ширкат номи)*

- қайта ташкил етиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмас.
- (мижознинг номи) билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида эмас.
- инсофсиз ижрочилар ягона реестрида эмас.
- илгари тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас.

Имзолар:

Директор ______________ ___________
*(Ф.И.Ш.)* *(Имзо)*
Бош бухгалтер (молиявий бўлим бошлиғи) ______________ _________
*(Ф.И.Ш.)* *(Имзо)*
Ҳуқуқшунос; адвокат ____________________ ___________
*(Ф.И.Ш.)* *(Имзо)*

М.Ў.

*Шакл № 2*

**Энг яхши таклиф танлови иштирокчиси ҳақида умумий маълумот**

| | | |
|---|---|---|
| **1** | Юридик шахснинг тўлиқ номи | |
| **2** | Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олинган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш органининг номи) | |
| **3** | Юридик манзил | |
| **4** | Алоқа телефони, факс, електрон почта | |
| **5** | Тўлиқ банк реквизитлари | |
| **6** | Асосий фаолият | |

**Кеpакли хизматлар кўламини тақдим етиш тажрибаси ҳақида маълумот**

| № | Тақдим етилаётган хизматлар субъектининг номи | Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари | Хизмат кўрсатиш муддати |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |

___________________________________

*(ваколатли шахснинг имзоси)*

__________________________________________________________________

*(ваколатли шахснинг тўлиқ исми ва лавозими)*

**М.Ў.**

Сана: "___" ______________2022 йил

**Илова №2**

**Иштирокчиларни малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари**

Энг яхши таклифни танлашда ғолиб бўлиш учун малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.

Агар иштирокчи томонидан зарур маълумотлар тақдим етилмаган бўлса, харид комиссияси уни Энг яхши таклифни танлашда иштирок етишга рухсат бермасликка ҳақли.

***Малакавий мезонлари жами 100 баллик системада***

| № | Мезон | Еслатма | Баҳо |
|---|---|---|---|
| 1 | Асосий фаолият тури – Ахборот ва маълумотларни йиғиш хизмати (гувоҳнома)<br>Солиқлар ва бошқа турдаги мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарзлар<br>Банк маълумотномаси картатека 1, картатека 2, тақиқ йўқлиги ва қарздорлик мавжуд эмаслиги<br>Илгари тузилган шартномалар бўйича муддати ўтган мажбуриятлар | Мавжуд/ Мавжуд эмас (иштирокчининг кафолат хати асосида амалга оширилади, асослантирувчи хужжатлар илова қилинади ) | **Жами 20 балл:**<br>Гувоҳнома – 5 балл<br>ДСИ маълумотномаси – 5 балл<br>Банк маълумотномаси – 5 балл<br>Илгари тузилган шартномалардан қарздорлик йўқлиги – 5 балл |
| 2 | Техник талаблар кўрсаткичлари | 0-20 балл (Иштирокчининг техник талаблар бўйича маълумотлари асосида) | **Жами 20 балл:**<br>0-20 балл<br>(Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар баҳоси) |
| 3 | Камида 3 йиллик тажрибага ега бўлган иштирокчи | 0-20 балл (тасдиқланган шакл асосида амалга оширилади) | **Жами 20 балл:**<br>0-3 йилгача - 5 балл<br>3-8 йилгача – 10 балл<br>8-10 йилгача – 15 балл<br>10 ва ундан юқори – 20 балл |
| 4 | 3 (уч) йил давомида молиявий барқарорлиги тўғрисида маълумот | 0-20 балл (бухгалтерлик ҳисоботнинг 1- ва 2-шакли асосида амалга оширилади) | **Жами 20 балл:**<br>0-20 балл<br>(Харид комиссияси аъзолари ва мутахассислар баҳоси) |
| 5 | Хизмат кўрсатиш учун алоқа канали | 0-20 балл (Иштирокчи ҳақида умумий маълумот асосида амалга оширилади) | **Жами 20 балл:**<br>0-50 – 0 балл<br>51-100 – 4 балл<br>101-150 – 8 балл<br>151-200 – 12 балл<br>201-250 – 16 балл<br>251 ва ундан юқори - 20 балл |

## II. Энг яхши таклифни танлашнинг нарх қисми.

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Юқори нарх | ҚҚС билан 360 000 000,00 сўм. |
| 2 | Молиялаштириш манбаи | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган ҳомийлик маблағлари |
| 3 | Тўлов шартлари: | Олдиндан тўлов - 30%<br>Қолган қисми – 70% ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар учун ҳар ой – Буюртмачи томонидан ҳисоб-варақ фактура олинган кундан бошлаб 10 кун ичида тўланади. |
| 4 | Тўлов валютаси: | Ўзбек сўми |
| 5 | Хизмат кўрсатиш муддати | 01.03.2022-31.12.2022 |
| 6 | Танланган таклифнинг амал қилиш муддати | Танлов таклифлари топширилган кундан бошлаб камида 90 кун |